

Миллий гвардия мактаб педагогик жамоаси фаоллигини эътироф этди

Айни кунларда Ўзбекистон туманида “Мактаб – ота-она – маҳалла” занжирини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан масъул бошқармалар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хусусан, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш кўрсаткичи яхши бўлган, маҳалла ва ота-оналар билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйган 1-умумтаълим мактабининг фидойи ўқитувчиларининг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқдир.

Ўзбекистон тумани қўриқлаш бўлими масъуллари ушбу таълим масканига ташриф буюриб, барча ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Мактаб директори Зилолахон Маҳкамовага ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.



Келгусида давомат юқори бўлган ҳамда ўқувчиларнинг муаммоли масалаларини бартараф этишда фаол мактаблар ўзига хос тарзда эътироф этилиб, рағбатлантириб борилиши таъкидланди.

2024-02-22 18:03:58